ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1997 йил, 26 август, сешанба № 102 (898). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 26 августа 1997 г. № 102 (898). ● В розницу — цена свободная

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Мустақиллик—муқаддас неъмат

25 август куни Республика Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз Мустақиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Республика Ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик, бирлашма, уюшмалар, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, ижодкор зиёлилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Президент Ислом Каримов бошқарди.

Мажлисда Мустақиллик байрамини кутиб олишга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Халқимиз бу йил Мустақиллик байрамини кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқда, деди Президент мажлисни очар экан. Мамлакатимизнинг бош майдонида ўтадиган театрлаштирилган томоша ана шу руҳни акс эттириши, биз мустақиллик йилларида эришган ютуқлар, маънавиятимизда рўй берган ўзгаришлар, қолаверса, халқимизнинг эзгу интилишлари ҳақида ҳикоя қилиши керак. Бу борада биз муайян тажриба тўпладик. Ишонаманки, томошани тайёрлашга мутасадди бўлган ижодкорлар, унда иштирок этадиган санъаткорлар илҳом билан меҳнат қилганлар, бор маҳоратларини ишга солганлар.

Биз Мустақиллик байрамига нима учун бу қадар катта аҳамият берамиз? Уни энг муқаддас байрамимиз деб биламиз? Унинг умумхалқ тантаналарига айланиб кетаётганида қандай маъно бор?

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, мустақиллик биз учун буюк инъом, муқаддас неъматдир. Биз бу буюк байрамимиз, унда акс эталиган лавҳалар, янграйдиган қўшиқлар, ижро этиладиган рақслар орқали ана шу тушунчани одамлар онгига чуқур сингдиришимиз лозим. Токи, шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон истиқлолнинг қадрини билсин. Уни катта бойлик, ўзлигини англаш, ўзини озод инсон деб ҳис этиши учун берилган бекиёс имконият деб қабул қилсин.

Одатда мустақиллик ва ислоҳот сўзларини бир бири билан узвий боғлиқ ҳолда кўрамиз. Чунки фақат мустақил давлат, мустақил жамиятдагина ислоҳотларни амалга ошириш мумкин. Мустақиллик ҳам, ислоҳотлар ҳам одамлар яхши яшаши, муносиб турмуш даражасига эришиши учун зарур шароит яратади. Миллий ғурурни, миллий тафаккурни уйғотадиган, халқни халқ, миллатни миллат қиладиган мусақилликдир. Ислоҳотлар эса ана шу олий мақсадларни амалга ошириш воситасидир. У Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашининг асосий шарти ва омилидир. Шунинг учун ҳам биз ватандошларимиз онгига мустақилликнинг қадрига етиш тушунчасини сингдиришимиз лозим. Токи, ҳар бир инсон мустақиллик менга нима берди, деб эмас, балки ўзига ўзи мен мустақиллик йўлида, уни мустаҳкамлаш борасида нима иш қилдим, деган саволни берсин.

Одатда одам бир нарсани йўқотмаса, унинг қадрига етмайди. У албатта йўқотган нарсаси учун азоб чекиши керак. Халқда мусофир бўлмай, мусулмон бўлмас деган мақол ҳам бежиз туғилмаган. Биз мустақиллик сўзини баъзан ҳар қадамда такрорлайвериб, унинг салмоғини тушириб юборамиз. Ҳолбуки, мустақиллик осмондан тушмайди. У тинимсиз кураш, қурбонлар эвазига қўлга киритилади.

Агар биз чор Россияси қўшинлари Тошкент ёки Хевани босиб олишида қилган хунрезликларни эсласак, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби миллатимиз гулларининг тақдирини ёдга олсак, бу ҳақиқат янада ойдинлашади. Қолаверса, мустақиллик дастлабки йиллари ҳам осон кечгани йўқ. Одамларни талофатлардан очликдан сақлаб, етимларнинг бошини силаб, оғир синовлардан олиб ўтишнинг ўзи бўлгани йўқ. Мана шу ҳақиқат санъат воситаси орқали, бадиий образлар ёрдамида кишилар онгига етказилиши керак. Байрам томошаси сценарийсини такомиллаштиришда ана шу жиҳатларга эътиборни қаратиш, бу борада, унинг муаллифларига яқиндан ёрдам бериш зарур. Бу нафис бадият орқали амалга оширилиши, бизнинг кучимиз аввало маънавиятимизда эканлиги теран ифода этилиши даркор.

Мажлисда, Ўзбекистон Халқ шоири, театрлаштирилган томоша сценарийси муаллифи Абдулла Орипов, Ўзбекистон Халқ артисти, Томоша режиссёри Рустам Хамидовнинг ахборотлари тингланди.

Мажлисда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

● ЗАЩИТНИКИ СВОБОДНОЙ РОДИНЫ

ЧУВСТВО ЛИЧНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

Потомки будут с восхищением читать о нынешнем поколении молодых офицеров. На долю сегодняшних лейтенантов Вооруженных Сил Республики Узбекистан выпала нелегкая, но очень ответственная задача — принимать личное участие в становлении Вооруженных Сил независимого государства.

НАША СПРАВКА: старший лейтенант Адылов Музаффар Мирфатыхович, командир танковой роты. Родился 12 февраля 1973 года в городе Ташкенте, в семье военнослужащего. В 1994 году окончил Чирчикское высшее танковое командно-инженерное училище. Воинское звание старший лейтенант получил досрочно, за большие успехи в деле обучения и воспитания личного состава.

К 6-й годовщине независимости страны представлен к премии молодежного фонда «Камолот».

Наводчик орудия танка рядовой Ильхом Мамарахимов перед стрельбой не смог сдать зачет по теории стрельбы. Факт сам по себе исключительный. Даже самые слабо подготовленные солдаты в роте старшего лейтенанта М. Адылова, когда дело касалось стрельбы из вооружения танка, проявляли чудеса трудолюбия и старательности, чтобы получить право первым выехать на танковую директрису.

Уже до этого случая рядовой Мамарахимов отличался пассивностью в службе, пререканиями с младшими командирами. Пришлось даже вызвать в часть отца, который приехал, долго разговаривал с сыном, но безрезультатно.

— Рядового Мамарахимова от стрельбы отстранить! — принял решение перед строем роты старший лейтенант Адылов.

Это было настолько неожиданно, что вступился даже командир взвода лейтенант Абдураимов:

— А может, дадим время подготовиться, сержанты помогут... Ведь позор для всей роты...

— Решение окончательное. Нельзя доверять оружие человеку, не знающему, как с ним обращаться, — жестко поставил точку в разговоре командир роты.

В стрельбе рядовой Мамарахимов не участвовал. А через некоторое время старший лейтенант М. Адылов в свободное время зашел в роту, словно случайно после тренировки на спортгородке. Запросто сел с солдатами и сержантами в курилке, завязал непринужденную беседу. Его подчиненные уже привыкли, что командир может вот так, запросто, прийти в расположение, поговорить, посмеяться над нехитрыми солдатскими шутками и как бы между прочим поинтересоваться, как жизнь, у кого какие проблемы, что мешает нормальной службе.

В этот раз старший лейтенант, ведя разговор, внимательно присматривался к злополучному наводчику. Сразу отметил— держится он обособленно. Физически развит хорошо, неплохой спортсмен, в шахматы играет, пожалуй, даже лучше всех... Что ему мешает стать отличным специалистом?

Словно забыв о недавнем происшествии, постарался втянуть солдата в общий разговор. Тот сразу оказался в центре беседы.

— Зачем мы тут находимся?— прямо спросил окружающих Адылов. — Зачем надели эту форму? Почему каждый день изучаем военное дело, обслуживаем вооружение? В нашей стране все в порядке, строится новая жизнь. Но посмотрите, что происходит рядом, за границей...

Внимательно вслушивались солдаты в слова командира. О том, что в приграничных районах идут боевые действия, гибнут люди, они, конечно, знали. Но вот каждый ли связывал свою повседневную службу со спокойной жизнью семьи, родственников, родного кишлака, города?

Нет, в этот день чуда не произошло. Как и на следующий. Рядовой Ильхом Мамарахимов не стал в одночасье отличником боевой подготовки, но он уже и не был вне коллектива. Стал более внимательным на занятиях, охотно начал принимать участие в различных спортивных и других мероприятиях. И в следующий раз без проблем сдал перед стрельбой теоретический зачет, неплохо действовал на огневом рубеже. Изменялся он медленно. А когда в положенное время, как и все, уволился в запас, то произошло чудо: собственный отец не узнал сына! Это уже был совершенно другой человек — коммуникабельный, внимательный, отзывчивый, хорошо умеющий понять собеседника и стремящийся прийти ему на помощь.

В этом есть заслуга старшего лейтенанта Адылова. Главный метод его работы с подчиненными— индивидуальный подход. Офицер вникает в их повседневные нужды, заботится о них, учитывает все стороны личности.

Немало отличных специалистов и настоящих граждан республики вырастил он в своем подразделении. Младшим сержантом прибыл в свое время в роту командир танка Туйчи Сабоев. А уволился старшиной. Сейчас служит в милиции, пишет письма, советуется с бывшим командиром в житейских делах.

Старшина сверхсрочной службы Мурод Маминов тоже прошел здесь путь от рядового до старшины.

Работа с младшими командирами — приоритетная в служебной деятельности старшего лейтенанта Адылова. С его точки зрения, сержант должен быть прежде всего самостоятельным человеком. Есть ли командир роты в расположении, нет ли его — все должно проходить строго по распорядку дня. Утренний подъем, физзарядка, утренний осмотр— все должно идти строго по уставу.

Занятия по специальности здесь часто проводят начальники служб, и все они отмечают высокую организованность и подготовленность личного состава роты старшего лейтенанта Адылова.

Рота — одна семья. Это не громкий лозунг, а главный принцип воспитательной работы старшего лейтенанта М. Адылова. Все, что необходимо военнослужащему для нормальной жизни, он всегда найдет в своем коллективе. Прохудились сапоги — поможет нештатный сапожник рядовой Атабек Умаров. Это не просто специалист, а потомственный мастер, все его родные занимались этим древним ремеслом. Надо постричься — рядом всегда рядовой Э. Эргашев.

У старшего лейтенанта М. Адылова для каждого из подчиненных находятся добрые слова. Механик-водитель рядовой А. Кучкаров — умелый специалист, особенно хорошо разбирается он в электротехнике; у наводчика К. Муродова отличная реакция, не теряется он даже в самых сложных ситуациях; рядовой Т. Рахмонов может работать за любого члена экипжа; старший сержант Т. Уринбаев— лучший командир танка не только в роте, умеет мастерски организовать систему управления огнем; сержант У. Мамуров может поставить задачу в нескольких словах, у него все четко и ясно.

Все теоретические знания и практический опыт старший лейтенант Музаффар Адылов отдает воинам. Бывает, что и среди ночи не спится, одолевают мысли: как и что возможно сделать лучше? Бывает, что, задержавшись на службе, остается ночевать в казарме.

А как же иначе? Ведь рядом — граница.

Откуда у него такое обостренное чувство личной ответственности? Наверное, все-таки с детства. Отец вот так же себя всего отдает службе. Два старших брата стали профессиональными военнослужащими-офицерами.

В школе Музаффар внимательно прислушивался к тому, что говорил о военной службе преподаватель начальной военной подготовки подполковник запаса Анатолий Владимирович Шековцов. Был заводилой во всех военно-спортивных играх, командовал взводом, отрядом. А о том, что он поступил в военное училище, последними узнали родители. Свой жизненный путь он хотел определить сам.

В училище был командиром отделения. Ничем особым не выделялся, разве только в учебе был старательнее других.

Служба в воинской части, недалеко от государственной границы, сделала его предельно собранным, ответственным и одновременно очень открытым для личного состава командиром. Командовать ротой, исполнять длительное время обязанности командира батальона, обучать и воспитывать не только солдат и сержантов, но и офицеров и прапорщиков — дело непростое, требующее и командирской твердости, и душевного такта, жизненного опыта.

В непростой период становления Вооруженных Сил Музаффар оказался достойным поощрения. Досрочное присвоение воинского звания старший лейтенант — это констатация того, что офицер уже дорос до него. Представление к награждению премией молодежного фонда «Камолот» — признание заслуг молодого офицера. Старший лейтенант Музаффар Адылов — представитель нового поколения узбекистанских военнослужащих, тех, чей духовный и профессиональный рост проходит в новых исторических условиях, кто всей душой воспринял идеи независимости и готов защищать их.

Подполковник **В. КАЛОШИН.**

Байрам иншоотлари билан танишув

Мамлакатимизда мустақиллик байрами арафасида янги иншоотларни фойдаланишга топшириш яхши анъанага айланиб қолди. Бу йил юзга яқин ана шундай байрам иншоотлари бунёд этилди.

25 август куни президент Ислом Каримов мамлакатимиз пойтахтида қад кўтарган «Жар» спорт маркази ҳамда «Юнусобод» теннис мажмуида қуриб битказилган, усти ёпиқ теннис кортини бориб кўрди.

«Жар» спорт маркази қарийб 16 гектар майдонни эгаллаган. Унинг таркибига минг томошабинга мўлжалланган усти ёпиқ теннис корти, очиқ ва ёпиқ сув ҳавзалари, футбол, енгил атлетика майдонлари, универсал спорт зали, бир қанча машқ хоналари ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари киради.

Юнусободдаги усти ёпиқ теннис корти эса ўхшаши йўқ иншоот бўлиб, энг замонавий усулда бунёд этилган. У қарийб тўрт минг томошабинни сиғдира олади. Ундан баскетбол, волейбол, бокс, оғир атлетика каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин. Яқинда бошланажак «президент кубоги» теннис турнири очилиш маросимида иштирок этадиганлар мазкур спорт саройининг маҳобат ва гўзаллигининг илк шоҳиди бўладилар.

Президент иншоотларни кўздан кечирар экан, уларни лойиҳалаштирган ва бунёд этган меъморлар, қурувчилар, муҳандислар билан суҳбатлашди. Спорт майдонларининг ҳажми, халқаро стандартларга мослиги билан қизиқди. Ҳатто, танланган ранглар ҳам, майдон четидаги тўсиқлар ҳам Ислом Каримовнинг назаридан четда қолмади. Йўлбошчимиз қурувчилар меҳнатига юқори баҳо берар экан, иқлим шароитимизда спорт иншоотлари баҳаво бўлиши зарурлигини қайд этди. Қурилишларда кўпроқ маҳаллий материаллардан фойдаланишни тавсия қилди. Шарқона ва замонавий услубларнинг уйғунлигига аҳамият бериш зарурлигини таъкидлади. Иншоотлардаги жузъий камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан маслаҳатлар берди.

Давлатимиз раҳбарининг байрам иншоотлари билан танишув чоғида унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ҳамроҳлик қилди.

САЙЁРАМИЗ АДОСИ

ВАШИНГТОН. АҚШнинг Саудия Арабистонидаги элчихонаси ушбу мамлакатда истиқомат қилувчи Америка фуқароларини маҳаллий қўпорувчилардан эҳтиёт бўлиши тўғрисида огоҳлантирди. Маълум бўлишича, маҳаллий террористлар америкалик ҳарбийларга қарши қўпорувчилик ишларига тайёрланмоқда.

Маълумотларга қараганда, ҳозир Саудия Арабистонида 40 мингдан ортиқ америкалик истиқомат қилади. Улардан 5 минг нафари ҳарбийлардир.

***

ЖЕНЕВА. Бу ерда ўтказилаётган биологик қуролларни тақиқлаш конвенциясига аъзо давлатларнинг навбатдаги мажлисида Кубанинг АҚШга даъвоси муҳокама қилинмоқда.

Маълумки, Куба ташқи ишлар вазирлиги АҚШнинг «биологик ҳужуми» яъни мамлакат ҳудудига экинларга офат келтирувчи зараркунанда ҳашоратлар киритгани ҳақида баёнот тарқатган эди. Ушбу баёнотда айтилишича, ўтган йили 21 октябрда АҚШ самолёти Кубанинг ғарбий ҳудудларидаги экинзорларга «қандайлир» суюқлик сепиб ўтган. Орадан кўп ўтмай, мазкур ҳудудни «Трипс-Палми» номли тез тарқалувчи зарарли ҳашорат босиб кетган.

Кейинчалик БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ушбу зараркунанда ҳашоратларни йўқ қилиш учун Кубага 176 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ҳам ажратган эди...

***

ПЕКИН. Бу ерда БМТнинг болалар жамғармаси ва жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамкорлигида «Тамаки ва унинг салбий оқибатлари» деб номланган халқаро анжуман бошланди.

Мутахассисларнинг фикрича, тамаки чекиш шу тарзда давом этаверса, келаси асрнинг биринчи чораги охирига бориб, чекиш туфайли дунёда йилига 10 миллион киши ҳаётдан кўз юмади.

***

СЯНГАН (ГОНКОНГ). Комбожанинг собиқ биринчи бош вазири Нородом Ранарит яқин орада ўз ватанига қайтиш режасидан воз кечди. Гонконгда чиқадиган «Саут чайна морнинг пост» газетасига берган интервьюсида Н. Ранарит шундай фикрда эканини маълум қилди.

Маълумки, бир қанча вақт муқаддам Н. Ранарит Комбожага қайтиб, у ерда ўзига содиқ бўлиб қолган жангариларга йўлбошчилик қилиш ниятида эканини айтган эди. Ҳатто у ватанига хавф-хатарсиз ўтиб олиши учун Таиланд ҳукуматидан ёрдам сўрагани ҳақида ҳам хабар тарқалганди.

***

ТОКИО. Жануби-шарқий Осиё молия-валюта бозорида юзага келган инқироз мазкур ҳудудга катта-катта сармоя киритаётган япон банкларига хавф сола олмайди, деб фикр билдирмоқда японлик мутахассислар.

Улар бу ҳолни қуйидагича шарҳламоқда: Япония банклари анча вақтдан буён мазкур ҳудуддаги исталган корхонага эмас, балки, бу ерда фаолият юритаётган япон компанияларига кредит бераяпти. Қолаверса, мазкур ҳудуд мамлакатларидаги молия сиёсати ҳам япон банкирларини «кутилмаган фалокатдан» асрайди. Ушбу сиёсатга мувофиқ, мазкур ҳудудда фаолият юритаётган хорижий банкларга маҳаллий валюта ёрдамида молиявий операциялар қилиш тақиқланади. Бу эса хорижий банкирларни маҳаллий валюта бозорига аралашишдан «ҳимоя» қилади.

(ЎзА).

● ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ

Қудратли армия—мустақил давлат таянчи

Жонажон Ўзбекистонимиз давлат Мустақиллигига эришганига 6 йил тўляпти. Шу ҳақда ўйлар эканмиз, тарих учун жуда қисқа, лекин республиканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий ва маънавий ҳаётида қўлга киритилган муваффақиятлар боис ўн йилликларга тенг йўлни босиб ўтганимизга гувоҳ бўламиз.

Истиқлолимиз шарофати билан ташкил топган мамлакатимиз Қуролли Кучлари ҳам шу вақт мобайнида мураккаб, аммо шарафли йўлни босиб ўтди. Маълумки, Қуролли Кучларимиз Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилган бўлиб, ҳозир у ўз зиммасига юклатилган ана шу вазифани шараф билан адо этмоқда. Дарҳақиқат, тинчлик ва осойишталик посбонларининг сергаклиги ва қатъияти, шижоати ва ҳарбий маҳоратни чуқур эгаллаётгани она юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолигининг муҳим кафолатидир. Шу маънода, ёш мустақил давлатимизнинг мудофаа қудрати ва хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деган китобида таъкидлаб ўтганидек, давлат мудофаа қобилиятининг энг муҳим қисми унинг Қуролли Кучларидир. Бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туриши, мамлакатнинг жўғрофий-стратегик мавқеини ва ҳудудининг жўғрофий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган душманга қуруқликда ва ҳавода муносиб зарба бера олиш учун жанговар салоҳиятга эга бўлмоғи зарур.

Бу эса ўқув-тарбия жараёнини, миллий кадрлар тайёрлашни ташкил этиш ва такомиллаштиришга жиддий эътибор қилишни талаб этади. Бу жараён энг замонавий талабларга жавоб бериши, ҳарбий фаннинг энг сўнгги ютуқларини, жанговар ҳаракатлар олиб бориш тажрибасини, шу жумладан чет эл тажрибасини ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши даркор. Бунда Марказий Осиё минтақасининг хусусиятларини назарда тутиш, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Бобур сингари буюк аждодларимизнинг саркардалик қобилиятларини, ҳарбий санъатларини ва стратегик тафаккурларини ўрганиш, улардан сабоқ олиш зарур.

Ана шу ҳақиқатни нобатга олган ҳолда бугунги кунда мамлакат Қуролли Кучларини янада такомиллаштириш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ёш армиямизни барпо этиш жараёнида бошқарув ва алоқа тизими, ҳарбий, ички ва техникавий таъминот, хилма-хил қўшин турларини жойлаштириш, шу қўшин турлари учун зобит кадрлар тайёрлаш тизими барпо этилди. Қуролли Кучлар учун юксак малакали зобитлар тайёрлашга мўлжалланган бир қанча олий ҳарбий ўқув юртлари, жумладан Тошкент олий умумқўшин командирлари, Чирчиқ олий танк командир-муҳандислари, Самарқанд олий автомобиль командир-муҳандислари, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртлари ҳамда Тошкент электротехника алоқа институтининг махсус факультети фаолият кўрсатмоқда. Тошкентдаги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академиясида эса олий ҳарбий маълумотли зобитлар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Президенти, Республика Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Марказий Осиёда ягона бўлган бу ҳарбий олий ўқув юрти бундан икки йил бурун ташкил топган эди. Унинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари иштирок этиб, Академия жамоаси олдига улкан вазифалар қўйган эди. Бугун зўр ифтихор ва мамнуният билан айтмоқчимизки, бу вазифалар шараф билан бажарилди. Эндиликда қўшинларимиз сафига олий ҳарбий маълумотга эга зобитлар, оператив-тактик бўғиннинг назарий жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрган мутахассислари келмоқда.

Куни-кеча Тошкентдаги зобитлар уйида Қуролли Кучлар Академиясининг илк бор битирувчиларини кузатишга бағишланган тантанали маросим бўлди. Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллиги байрами арафасида дастлабки қалдирғоч гуруҳи академияни тамомлагани рамзий маъно касб этади.

Йиғилишда Ўзбекистон Президенти, Республика Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Академиянинг битирувчиларига йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди.

Зобитларга тантанали вазиятда Қуролли Кучлар Академиясини битирганлик тўғрисидаги дипломлар ва кўкракка тақиладиган нишонлар топширилди.

— Қуролли Кучлар Академиясида ўқишни муваффақиятли тамомлаганимдан ниҳоятда хурсандман, — дейди подполковник Абдураҳимжон Мамажонов. — Бу ажойиб олий ўқув юртини биринчилар қатори битириш биз, зобитлар учун катта шарафдир. Бу ерда икки йил таҳсил кўрдик. Шу вақт мобайнида тажрибали профессор ва ўқитувчилар бизга назарий билимлар, амалий тажрибаларни кунт билан ўргатишди. Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллиги байрами арафасида биз, тингловчиларга Ватанни ҳимоя қилиш санъатини ўргатиш учун куч ва ғайратини аямаган барча кишиларга чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Майор Ашурахмад Қодиров ўз қалб сўзларини мана бундай изҳор этди:

— Ҳурматли Президентимизнинг ташаббуслари билан барпо этилган Марказий Осиё минтақасидаги ягона Ҳарбий Академияни битирганимдан жуда хурсандман. Шу вақт ичида олий ҳарбий ўқув юртида бой назарий билим ва тажриба ўргандик. Ана шу билим ва тажриба ҳарбий хизмат чоғида кундалик ишни янада

(Давоми 2-бетда).

Қудратли армия—мустақил давлат таянчи

(Давоми. Боши 1-бетда).

яхшироқ бажаришда, яъни севимли Ватанимиз мустақиллигини ишончли ҳимоя қилишда ёрдам беради.

Касб маҳорати ва билимларни юқори даражада эгаллаган академиянинг биринчи қалдирғочлари Ўзбекистон Қуролли Кучлари офицери деган юксак номни муносиб равишда оқлаб, улар буюк аждодларимизнинг саркардалик салоҳияти ва ҳарбий маҳоратининг содиқ давомчилари бўлишларига ишончимиз комил.

Мамлакатимиз Қуролли Кучларида аскарларнинг кундалик жанговар тайёргарлиги ва профессионал маҳорати тобора ортиб бормоқда. Ёшлар армияда замонавий ҳарбий техника сирларини пухта эгалламоқда, жанговарлик қобилиятини такомиллаштирмоқда.

Аскарларимизнинг юқори жанговар тайёргарлиги халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилаётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиздир. Мана бир неча йиллардирки, Ўзбекистон Қуролли Кучлари бўлинмаларининг жангчилари НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасида халқаро қўшма ўқув машқларида иштирок этмоқда. Ана шундай машқлар 1995 йили Америка Қўшма Штатларининг Луизиана штатида жойлашган Форт-Полк ҳарбий полигонида, ўтган йили эса АҚШнинг Каролина, штатидаги Кемп-Лежен ҳарбий полигонида бўлди. Бу қўшма машқлар тинчлик шароитида ҳарбий билим соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида уюштирилган бўлиб, йигитларимиз зиммасига жуда масъулиятли — Ўзбекистон Қуролли Кучлари салоҳиятини хорижда намойиш этишдек мураккаб, аммо шарафли вазифа юклатилган эди. Жангчиларимиз кўплаб мамлакатларнинг ҳарбийлари қатнашган ушбу тадбирларда бу масъулиятли вазифани муваффақиятли уддаладилар. Улар ҳарбий машқларда мустақил Ўзбекистоннинг муносиб вакиллари, ҳақиқий ватан ҳимоячиси эканликларини намойиш қилдилар.

Шу дастур доирасидаги яна бир машқ тўғрисида. Маълумки, жорий йил июнь ойи ва июлнинг бошларида Луизиана штатининг Форт-полк ҳарбий базасида (АҚШ) «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурига мувофиқ «Кооператив Наггет-97» деган шартли номда машқлар ўтказилди. Уларда ўн иккирмадан зиёд давлатларнинг қуролли кучлари вакиллари қатнашди. Ўзбекистонлик жангчилар бу машқларда ҳам юксак ҳарбий маҳоратларини намойиш этдилар. АҚШ армияси бирлашган штаблари бошлиғи, генерал Жонн Шаликашвили «Кооператив Наггет-97» шартли номда ўтказилган бу ҳарбий машқларнинг ёпилишига бағишланган тантанали маросимда мамлакатимиз жангчиларининг маҳоратига юксак баҳо берди.

Биз шу ерда НАТО тўғрисида икки оғиз сўз айтишни лозим топдик. Маълумки, НАТО мустақил давлатларнинг халқаро мудофаа иттифоқи бўлиб, тинчликни сақлаш, сиёсий бирдамлик ҳамда ўз хавфсизлигини эҳтимол тутилган хавфлардан сақлаш учун етарли даражадаги ҳарбий мудофаа йўли билан ўз халқларини ҳимоя этишни мақсад қилиб қўйган давлатларни бирлаштирган. НАТОнинг олий органи — Шимолий Атлантика кенгаши аввало сиёсий орган бўлиб, унга НАТОда иштирок этувчи мамлакатлар ҳукуматлари киради. 1994 йилнинг июль ойида Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурига қўшилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, НАТОнинг мазкур дастури коллектив хавфсизлик ва барқарорликнинг кенг тизимини, жумладан, Марказий Осиё минтақасида ҳам вужудга келтиришга қаратилгандир. НАТО билан ҳамкорлик қилиш дунёдаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан хабардор бўлиб туриш, бу уюшма доирасида амалга оширилаётган тадқиқотлар ва ишланмалардан баҳраманд бўлиш имконини беради. НАТО мамлакатларининг тадбирларида, шу жумладан ҳарбий бўлинмаларнинг биргаликдаги машқларида қатнашиш мумкин бўлади. Буларнинг барчаси қисмларимизнинг жанговар тайёргарлигини оширишга, илғор жанговар тажрибани ўрганиш, яъни пировардида мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Яқинда Ўзбекистон делегацияси НАТО ахборот ва матбуот бўлимининг таклифига биноан Бельгия пойтахти Брюссель шаҳрида бўлди. Делегация таркибида шу сатрлар муаллифи ҳам бор эди. Сафардан кўзда тутилган мақсад республикамизнинг НАТО билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурида мамлакатимиз иштирокини фаоллаштиришдан иборат эди.

Ўзбекистон делегацияси НАТО қароргоҳида бўлди. Сафар пайтида делегация аъзоларини шу халқаро ташкилот вакиллари билан учрашувлари ўтказилди. Бу учрашувларда қайд этиб ўтилганидек, НАТОнинг асосий вазифаси Европа хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир. Европа хавфсизлиги эса ўз навбатида жаҳондаги бошқа минтақаларнинг хавфсизлигига, жумладан, Марказий Осиё хавфсизлигига боғлиқдир. НАТО вакиллари бу минтақада мустаҳкам тинчлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистоннинг ўзига хос муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидладилар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш кераки, «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасидаги кўпгина долзарб муаммолар билан бир қаторда ўзбекистонлик жангчиларнинг Америкадаги машқлари хусусидаги масалалар ҳам учрашув қатнашчиларининг диққат-марказида бўлди. НАТО Бош котибининг Сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси элчи Гебхард Фон Мольтке учрашувда биз НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасида Ўзбекистоннинг иштирокини самимий табриклаймиз, — деди. — Ўзбекистон билан бундай ҳамкорлик биз учун жуда муҳимдир.

Учрашув чоғида АҚШдаги бу машқларда ўзбекистонлик жангчилар иштирокини қандай баҳолайсиз, деган саволимизга Халқаро ҳарбий штаб вакили Лесли Хэйкин шундай жавоб берди. «Америкадаги бу қўшма машқларда йигитларингизнинг иштироки самарали бўлди. Жаҳон матбуотида ҳам бу ҳақда кўп ёзилди».

Брюсселда НАТО вакиллари билан ўтказилган кўплаб учрашувлар, «давра суҳбат»лари, журналистлар билан бўлган матбуот конференциялари Ўзбекистон Қуролли Кучлари бўлинмалари бир гуруҳ жангчиларининг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурида иштироки яхши натижалар берганини кўрсатиб турибди.

Ҳа, мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жангчилари мард ва жасур ота-боболаримизнинг ватанга садоқат билан хизмат қилиш анъаналарини давом эттириб, ҳозирда бутун жаҳонда эътироф этилган жанговарлик тажрибаларига таяниб, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашдек эзгу ишга барча куч ва билими, бутун ақл-заковатини сафарбар этиб, эл-юрт олдидаги муқаддас бурчини шараф билан бажармоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига бутун мамлакат бўйлаб қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда яна бир бор намоён бўлмоқда.

Армиямиз халқимиз осойишта ҳаётининг гаровидир. Биз она юртга чексиз садоқатли, унинг шаъни ва қадр-қимматини мардона ҳимоя қилишга қодир мустақил мамлакатимизнинг шавкатли Қуролли Кучлари билан ҳамиша фахрланамиз.

Турсунбой БОТИРБЕКОВ.
(ЎзА).

ЧЕЛОВЕК НА СВОЕМ МЕСТЕ

Не зря говорят: полеты в небесах начинаются на земле. Ведь именно от радиотехнического обеспечения самолетов, отличной радиосвязи с летчиками зависят в основном успешные полеты.

Шасси скольких самолетов коснулось поля аэродрома за время службы механика радиотехнической системы посадки прапорщика Радика Кутлиева! Не счесть. Когда он на дежурстве, все знают: с посадкой самолетов все будет в порядке. О нем говорят: не место человека красит, а человек — место.

Прапорщик Кутлиев в совершенстве знает свою специальность механика, осваивает смежную. С началом летнего периода обучения им обеспечено более сотни бесперебойных, качественных полетов.

Руководитель полетов при подведении итогов не раз отмечал его четкие, слаженные действия. Прапорщик Радик Кутлиев достойно встречает 6-ю годовщину независимости Республики Узбекистан — новыми успехами в ратном труде, в повышении боевого мастерства.

Наш корр.

● СОБИҚ ҲАРБИЙНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Мустақилликдан айланай!

Ҳарбий хизматга ёшлигимдан қизиққанман. Йигирма йил шу соҳанинг этагидан тутдим. Беш йил Мустақил Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилганлигимдан беҳад хурсандман.

Ҳарбийда хизмат қилиш осон демоқчимасман. Киши ҳаётини ҳарбийга бағишлаши учун ўзида куч, ирода топа билиши керак. Баъзиларнинг назарида жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган киши ҳарбий бўлиб кетаверади деган тушунча бор. Бу мутлоқо нотўғри тушунча. Ҳарбий киши аввало зийрак, билимдон бўлиши керак. Тўғри, жисмоний етуклик ҳам ҳарбий учун жуда муҳим жиҳат.

Аҳлоқсизлик — армиянинг душмани. Армиянинг енгилмаслиги унинг интизомлилигидадир. Темир интизом бўлмаса — армия ҳам бўлмайди. Ҳарбийлари интизомсиз давлатнинг ҳолига вой.

Интизом қаердан бошланади? Тарбиядан бошланади. Тарбиянинг ўчоғи оила. Қайсики оила ҳар томонлама етук фарзанд тарбияласа бу — оиланинг кўрки бўлиши билан бирга, давлатнинг ҳам кўрки, бойлигидир.

Менинг учта ўғлим Алишер, Шерзод, Жонибеклар ҳозирда Мустақил Республикамизнинг Қуролли Кучлари сафида. Бири офицер, бири муддатдан ташқари хизмат қилаяпти, бири эса курсант.

Ўғилларим менинг изимдан боришганлигидан, ҳарбий соҳага меҳр қўйишганидан бошим осмонда.

Қувончим чексизлиги яна шундаки, ўғилларим Истиқлол шароитида ўз она-Ватанимиз ҳудудида ўз халқимиз учун хизмат қилаяпти.

Босиб ўтган йўлларим, йилларим асосида шуни айтмоқчиман, мен хизматни бошлаган чоғларда битта ўзбек оиласидан учта йигитни ҳарбий бўлиши амри маҳол эди. Бунинг устига офицер денг.

Мустақилликдан айланай, бизга чексиз имкониятлар яратди. Ҳар ким ўзи қизиққан соҳанинг этагидан тутаяпти. Бунинг учун шароит ҳам бор, имконият ҳам. Битта талаб—кишининг ўзида ҳам интилиш бўлиши керак.

Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишаётган фарзандларимдан талабим шу: чин юракдан Ватанимиз, жонажон Ўзбекистонимиз учун хизмат қилаверинглар. Сизларнинг аъло хизматларинг бизларнинг тинчлигимиз кафолати. Ўз эгаллаб турган постларингизда ҳушёр турсаларингиз биров бизнинг тинчлигимизни бузолмайди.

Ўғилларим! Сизлар фақат бизнинг, яъни ота-онангизнинг, кишлоқдошларингизнинг эмас, бутун ўзбек халқининг, Ўзбекистоннинг шонини, шарафини ҳимоя қилаясизлар, шуни асло унутманглар!

Собиқ ҳарбий, ҳозирда кексалик гаштини сураётган Абубакир Раҳимовнинг сўзларини оққа кўчирувчи

капитан А. ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Десантчи-посбонлар ҳам Мустақиллигимизнинг кутлуғ олти йиллигини хизматдаги аъло ютуқлари билан каршиламоқдалар. Жумладан, взвод командирининг ўринбосари катта сержант Ҳасан Оролов ёзги мавсумнинг ҳар бир ўқув машғулотидан унумли фойдаланиб, посбонларнинг касб маҳоратларини мукаммаллаштиришда астойдил бош-қош бўлаётир.

Парашют билан сакрагач, десантчилар ҳавода турли вазиятга дуч келадилар. Шу туфайли ҳам ҳавода айланиш ўқув машқи давомида посбонларнинг ироdаси, эпчиллиги ва чидамлилиги янада мустаҳкамланади. Ҳар қандай вазиятдан ҳам тез ва соз чиқиб кетиш малакаларини шакллантиради.

Суратда: оддий аскар Алишер Субонқулов ҳавода айланиш ўқув машғулотида...

Ш. ЗУФАРОВ суратга олган.

КРЕПНЕТ СИЛА УДАЛАЯ

Оживленно в спортивном городке. Сегодня здесь проводится занятие по физической подготовке летнего периода обучения. Спокоен за своих подчиненных командир взвода лейтенант Батыр Ташматов.

— Физподготовке мы всегда уделяем серьезное внимание, — говорит он. — Нацеливаем воинов на то, что Вооруженным Силам нашей республики нужны физически крепкие, закаленные парни, способные преодолевать трудности походной и боевой жизни, выдерживать большие нагрузки. Ведь все это нужно для боя, для победы. А добиваться этого нам помогают регулярные занятия по военно-прикладным видам спорта, кроссовая подготовка. Вот и на этом занятии воины-десантники демонстрируют высокое мастерство.

Действительно, на перекладине и брусьях на отлично выполнили упражнения младшие сержанты Б. Алимов, С. Худойкулов, рядовые Б. Саматов, А. Сабитов, Ю. Смирнов. Неплохие результаты показывают и те, кто был призван весной этого года. Конечно, им помогают старшие товарищи, которые всегда готовы прийти на помощь и поддержать в трудную минуту.

Физическую выносливость воины этого взвода проявляют не только на занятиях по физической подготовке. Крепнет их сила удалая на частых спортивных праздниках и соревнованиях по различным видам спорта между подразделениями, на ежедневных физических зарядках. Не зря, наверное, местные девушки заглядываются на крепких, сильных парней в голубых беретах.

Капитан Т. АБДУСАИДОВ,
корр. «Ватанпарвара».

Военно-Техническое Обозрение

Многонациональная дивизия „Центр"

Мир продолжают потрясать конфликты, грозящие перейти в открытые вооруженные столкновения. В этих условиях военно-политическое руководство ведущих мировых государств проявляет заинтересованность в создании многонациональных вооруженных формирований, способных в кратчайший срок прибыть в любой район земного шара. 15 января 1992 года министры обороны Великобритании, Германии, Нидерландов и Бельгии подписали меморандум о взаимопонимании. Через два года родилась многонациональная аэромобильная дивизия сил быстрого реагирования НАТО «Центр». «Четыре нации — одна цель» — девиз нового формирования.

Штаб дивизии «Центр» дислоцирован в г. Рейндален, ФРГ. Должности командира, его заместителя, начальника штаба и начальника оперативного отдела занимают офицеры, представляющие армии четырех стран по принципу ротации. В управлении — более 100 офицеров и унтер-офицеров. Штабная рота численностью около 200 человек выделена от бундесвера.

Великобританию представляет 24-я отдельная аэромобильная бригада, дислоцированная в районе города Колчестер. Ее численность — около 4100 человек. Состоит из двух аэромобильных батальонов и трех полков: два — армейской авиации и один — артиллерийский. Батальоны состоят из трех рот, в каждой из которых десять ПУ ПТУР «Милан», а также БМП «Симитер», БТР «Саксон» и ФВ-432.

Каждый из полков армейской авиации включает две эскадрильи противотанковых вертолетов и эскадрилью транспортных. На их вооружении находятся 22 вертолета «Линкс» с ПТУР ТОУ и 14 «Газель». Начали поступать боевые вертолеты «Апач», общее число которых составит 32 машины. Артиллерийский полк состоит из четырех батарей по шесть 105-мм легких гаубиц, а также батареи ПЗРК. Подразделения обеспечения включают батальон МТО, медицинский батальон и инженерную роту.

От ФРГ в дивизию «Центр» в 1994 году включена 31-я воздушно-десантная бригада. Она дислоцирована в районе города Ольденбург, численность — около 2200 человек. Состоит из двух парашютно-десантных и парашютно-десантного противотанкового батальонов, штабной, минометной, инженерной, снабжения, медико-санитарной и запасной рот и разведывательного взвода.

Парашютно-десантные батальоны состоят из штаба и штабной роты и четырех парашютно-десантных рот. Вооружение — пулеметы, автоматические винтовки и ручные гранатометы. В каждом батальоне — по 16 ПУ ПТУР «Милан», а также автомобили повышенной проходимости и многоцелевые легкие бронированные машины. Противотанковый батальон включает штаб, штабную и четыре противотанковые роты. В ротах — по девять боевых машин «Визель» с ПТРК ТОУ-2 и по шесть — с 20-мм автоматической пушкой.

270-я минометная рота предназначена для оказания огневой поддержки батальонам, в ней — 12 самоходных 120-мм минометов на шасси бронированных машин. 270-я инженерная рота имеет на вооружении установки реактивных зарядов разминирования и семь минных заградителей, в том числе четыре гусеничных — «Скорпион». 270-я рота снабжения включает взвод МТО и взвод парашютно-десантной службы, осуществляет материально-техническое обеспечение всех подразделений бригады, подготовку вооружения и боевой техники к переброске по воздуху, укладку парашютов и т. д. В 270-ю медико-санитарную роту входят два взвода и полевой госпиталь на 80 коек. 310-я запасная рота предназначена для пополнения боевых подразделений личным составом.

В кризисных ситуациях в дивизию «Центр» будет передаваться 11-я отдельная аэромобильная бригада (г. Арнем, Нидерланды). Она насчитывает до 3000 человек и действует, как правило, совместно с двумя эскадрильями боевых вертолетов и двумя — транспортных из состава ВВС Голландии.

Состоит из штаба, трех пехотных батальонов, минометной батареи и четырех рот — инженерной, медицинской, ремонтной и поддержки. Батальон включает пять рот — штабную, три пехотные и поддержки. В пехотную роту входят три аэромобильных взвода, противотанковый взвод, минометная группа и группа наводчиков — корректировщиков огня артиллерии и авиации, а в роту поддержки — разведывательный взвод и взвод ПЗРК. Всего в пехотном батальоне насчитывается более 500 человек, на вооружении имеется 12 ПУ ПТРК ТОУ, 27 ПУ ПТРК «Дракон», девять 81-мм минометов, 23 ПЗРК «Стингер». В минометной батарее — 12 120-мм минометов, в инженерной роте — шесть легких многоцелевых инженерных машин.

Придаваемые бригаде эскадрильи боевых вертолетов оснащены 24 вертолетами «Апач», 12 вертолетами для воздушной разведки, управления и связи. Две эскадрильи транспортных вертолетов имеют на вооружении по 11 вертолетов «Чинук» и 15 «Кугар».

От Бельгии в состав дивизии «Центр» могут быть переданы подразделения отдельной аэромобильной бригады (г. Хиверле). Она взаимодействует с 15-м транспортным авиационным крылом. Организационно состоит из штаба, четырех батальонов (двух парашютных, командос, разведывательного и поддержки), двух батарей (полевой артиллерии и ПРЗК) и трех рот (инженерной, МТО и медико-санитарной).

В парашютно-десантных батальонах и батальоне командос на вооружении состоят по 18 ПУ ПТУР «Милан» и шесть 106-мм минометов, в разведывательном и поддержки — 12 ПУ ПТУР «Милан» на автомобилях повышенной проходимости типа «джип». Артиллерийская батарея включает штаб и два огневых взвода (по шесть 105-мм буксируемых гаубиц). На вооружении батареи ПЗРК находятся 18 ПЗРК «Мистраль». Инженерная рота включает шесть взводов: три саперных и по одному —минирования, разминирования и тяжелой инженерной техники. 210-я рота МТО численностью до 200 человек обеспечивает все виды материально-технического обеспечения.

Численность бригады в мирное время составляет около 3000 человек (все — добровольцы), в военное время — до 350 человек.

От Нидерландов в дивизию «Центр» выделяется 11-й артиллерийский дивизион, имеющий на вооружении 24 155-мм самоходных гаубицы. Основным боевым подразделением является огневая батарея шестиорудийного состава, способная действовать самостоятельно. Это одно из старейших формирований голландской армии, носящее звание гвардейского. С конца 1996 года комплектуется профессионалами, 15% которых женщины.

Силы и средства разведки в дивизии «Центр» представлены разведывательным батальоном (Бельгия) и ротой (Нидерланды).

В составе дивизии имеется 18-й батальон боевых вертолетов (г. Бьерсе, Бельгия), являющийся ее мобильным противотанковым резервом. На его вооружение поступили 14 противотанковых вертолетов А-109А, а также девять вертолетов этого типа в варианте воздушного разведчика-корректировщика.

Помимо штатных подразделений армейской авиации, авиационную поддержку многонациональной дивизии могут при необходимости оказывать 15-й батальон транспортных вертолетов (ФРГ), базирующийся на аэродроме Районе (в 43 км восточнее г. Билефельд). На его вооружении находятся вертолеты, способные перебрасывать до 35 военнослужащих с вооружением или две боевые машины «Визель». Они также могут транспортировать и крупногабаритную технику на внешней подвеске.

11-й батальон связи (Нидерланды) находится в стадии реорганизации до конца 1997 года. В настоящее время в него входят: 115-я рота, обеспечивающая закрытую радиорелейную и спутниковую, а также проводную и фельдъегерско-почтовую связь с вышестоящим командованием; 130-я рота — отвечает за организацию связи в районе ожидания, обеспечивает устойчивое управление частями по каналам спутниковой связи; 135-я — поддерживает связь между штабом дивизии и ее бригадами (имеет по одному взводу от британского, германского, бельгийского и голландского контингентов).

В 701-й инженерный батальон (ФРГ) входят семь рот — штабная, тяжелая инженерно-саперная, две инженерные, мостоукладчиков, ремонтная, учебная и школа механиков-водителей. В мирное время насчитывает 832 человека, в том числе 28 офицеров, в военное—880 (30 офицеров). На вооружении имеются шесть установок дистанционного минирования, десять минных заградителей, 11 колесных боевых бронированных машин, четыре подъемных крана, бульдозеры, четыре инженерные машины разграждения на базе танка «Леопард», две ПУ ПРТК «Милан» и другая техника.

Все боевые части и подразделения дивизии «Центр» должны быть приведены в боевую готовность не позднее 7 суток после получения приказа, подразделения обеспечения — 15 суток.

Штаб дивизии обязан в течение не более 20 часов разведки и патрулирование. Дивизии может быть поставлена одна из задач — проведение миротворческих операций; осуществление глубоких рейдов, ведение разведки и патрулирование местности; борьба с воздушными десантами противника и противопартизанская борьба; захват и удержание ключевых районов территории на определенный период; блокирование или разблокирование районов местности, взятие под контроль всех перемещений в указанном районе. Все эти задачи она может решать на весьма отдаленном расстоянии от мест дислокации.

По мнению иностранных военных экспертов, уровень боеготовности многонациональной дивизии довольно высок благодаря хорошей подготовленности и оснащенности. Личный состав многих выделенных в ее состав частей и подразделений имеет опыт действий в различных «горячих точках» Европы и мира.

При обучении главное внимание уделяется слаживанию действий и организации взаимодействия между подразделениями различной национальной принадлежности. С этой целью организуются изучение образцов вооружения и техники, обмен личным составом и экипажами, соревнования между подразделениями, экипажами и отдельными специалистами. Первое дивизионное учение состоялось осенью 1995 года на территории Дании в рамках учения ОВС НАТО «Колд гроуз». Предусмотрено проведение ежегодных учений по сценарию миротворческих операций.

Рис. 1 Организационная структура дивизии «Центр»

Организационно - штатная структура многонациональной дивизии, концепция ее использования и тылового обеспечения являются экспериментальными. Характерное для ее частей и подразделений двойное подчинение рассматривается как позитивный фактор, способствующий взаимному сближению. Военные аналитики убеждены: процесс интеграции вооруженных сил различных государств необратим и будущее принадлежит именно многонациональным формированиям.

По материалам иностранной печати подготовил подполковник В. КАЛОШИН.

Военно-политические новости

ЭНДИ ҚЎРИҚЧИ КЕРАК

Ҳозиргача давлат сири бўлиб келмиш, Буюк Британия МИ-5 контрразведкаси бош директори ўринбосарининг кимлиги ўтган шанба куни маълум бўлди, деб ёзади «Санди Таймс». Бу 49-ёшли Элиза Мэннингхэм — Баллер экан. Газетанинг хабар қилишича, мамлакат ички ишлар вазирлиги ушбу ахборотни оммавийлаштиришга қўлидан келганича тўсқинлик қилган. Чунки, энди Ирландия Республикачилар армиясининг террорчилари Элиза Мэннингхэм-Баллер ҳаётига тажовуз қилишлари мумкин.

МИ-5 Бош директори ўринбосари исми-шарифининг аниқланиши Буюк Британия солиқ тўловчилари бўйнига юз минглаб фунт стерлинг бўлиб тушиши мумкин. Ахир, бундан кейин Элиза Мэннингхэм-Баллерга доимий равишда қўриқчилар керак бўлади, деб ёзади «Санди Таймс».

МЕХОВЫЕ «ПОДВОДНЫЕ ЛОДКИ»

Как писалось в журнале «Нью сайентист», военно-морской флот. Швеции установил сеть подводных микрофонов, чтобы «слышать» бурление, вызванное двигателями подводных лодок. Рассмотрев 6.000 сообщений об «иногородней подводной деятельности», которую уловили микрофоны, комиссия установила факт работы двигателей подводных лодок только в шести случаях. Многие из остальных сигналов тревоги вызваны тем, что норки, выдры и другие животные, когда плывут, производят звук, очень похожий на звук двигателей подводных лодок, чем и сбивают с толку военных моряков.

МОЖАРОГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

Украина Покистонга 650 млн. долларга 300 дона Т-80УД танклари етказиб беришга келишиб олишганда, икки томон ҳам хурсанд эди. Аммо кейинроқ эса ўртада можаро бошланди.

Гап шундаки, ушбу танклар жиҳозланадиган асбоблар Россияда ишлаб чиқарилади. Шунингдек, Украинада тайёрланадиган танк тўплари фақат 20 та снаряд отишга чидаш беради. Россияликлардан эса бемалол 1,5 минг марта ўқ уза бўлади.

Россияликлар Харьковда жойлашган Малишев номли ҳарбий заводга тўп ва асбобларни етказиб беришдан бош тортдилар. Покистонликлар эса танкларга фақат Россияда ишлаб чиқарилган тўплар ўрнатилишини талаб қилишди.

Украина, Покистон ва Россия ўртасидаги бу можарони ечишни Белоруссиянинг қурол-яроғ савдоси билан шуғулланадиган бир хусусий фирмаси ўз бўйнига олди. Ушбу фирма Россия корхоналаридан керакли асбоб ва тўпларни харид қилиб уни Украинага сотмоқчи.

Шундай қилиб Украина Покистондан қарзини узса, Россиянинг бир қанча корхонали 650 млн. доллардан ўз улушини олади. Белоруссияликлар ҳам, албатта, қуруқ қолишмайди.

РАКЕТНАЯ ССОРА

Развертывание Индией баллистических ракет средней дальности «Притви» вблизи границ Пакистана является серьезной угрозой безопасности этой страны. Ряд городов Пакистана находится теперь в пределах досягаемости ракет. Исламабад осуждает этот шаг Индии и рассматривает как мероприятие, служащее причиной «качественного изменения» в среде безопасности Южной Азии. Он также дал ясно понять, что сохраняет за собой право принимать соответствующие контрмеры для обеспечения безопасности его интересов.

Опасение официальных кругов США по поводу последнего события, предвещающего новую фазу гонки вооружения в субконтиненте, не является безосновательным. Наряду с известными возможностями ядерного оружия, этот новый шаг Нью-Дели не может не привести к эскалации скандала, создавая серьезную угрозу миру и стабильности региона.

(По материалам печати).

МЕСТО СЛУЖБЫ - ВНУТРЕННИЕ ВОЙСКА

СЛАВНЫЙ БОЕВОЙ ПУТЬ

(Продолжение. Начало в предыдущих номерах).

В 80-х годах существенный вклад в повышение боевой готовности, надежности охраны объектов, совершенствование боевой подготовки, укрепление воинской дисциплины, нравственного воспитания военнослужащих внутренних войск внесла солдатская многотиражная газета, редакторами которой были подполковник А. Ситников, подполковник Г. Дворянчук, майор А. Нигилов, начальником типографии — старший прапорщик М. Кутлубаев. Журналисты газеты капитан Ю. Саломатин, прапорщик В. Иванов, рядовые Н. Кряколов и Н. Мустафаев писали об умелых, самоотверженных действиях часовых, контролеров и других лиц караулов и войсковых нарядов. Так, в одном из номеров газеты был опубликован рассказ Н. Кряколова о мужественном поступке сержанта Г. Алферова:

— «Волга-1», я — «Волга-9». Срочно выезжайте в квадрат Н. Возле кафе драка, — звучат позывные подвижной милицейской группы. Патрульная машина на предельной скорости устремляется к месту происшествия.

